

СМТИ етакчи илмий ходими халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этди



Жорий йилнинг 4-5 июнь кунлари Тошкент шаҳрида «Ёшлар келажак бунёдкори» шиори остида «Уюлмаган ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини ошириш: муаммо ва истиқболлар» мавзусида II халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Мазкур конференцияда СМТИ етакчи илмий ходими А.Нажимов «Уюлмаган ёшлар бандлигини таъминлашда жаҳон тажрибаси» мавзусида маъруза қилди. Тадбир якунларига кўра А.Нажимов «Энг яхши илмий тезис» йўналишида 1-даражали диплом билан тақдирланди.



Тадбирда мамлакатимизнинг турли вазирлик, идора ва ташкилотлар мутахассислари, ёш олимлар, шунингдек, Россия, Туркия, Германия ҳамда қатор халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этди.